Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

# Ishonch

2019 йил 15 август • пайшанба • № 99 (4228)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz


### Кун иқтибоси

*Барча давлат идоралари ва корхоналарида тизимли ишлаш, қатъий тартиб-интизом, қабул қилинган қарорларни сўзсиз бажариш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам бериш ислоҳотларимизнинг натижадорлигини таъминлашда асосий омил бўлиши зарур ва шарт.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ*

# МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 август куни мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ёқилғи-энергетика, қайта ишлаш саноати ва агросаноат тармоқларини модернизация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳаларни яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижалари чуқур таҳлил қилинди.

Бундан буён Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, вазирлар, қўмиталар ва хўжалик бирлашмалари раислари ўзларининг иш услубини тубдан ўзгартириб, кўпроқ ҳудудларга, олис қишлоқларга бориб, пастдаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда ҳокимликлар, тадбиркорлар ва жойлардаги раҳбарларга амалий ёрдам бериши зарурлиги таъкидланди.

Бунда ҳар бир комплекс раҳбари ўзининг вазирлари билан бирга ҳар чоракда вилоятларга бориб, тегишли соҳаларда мавжуд муаммоларни ҳал этиши ва натижалари бўйича вилоят халқ депутатлари кенгаши ва фаоллари олдида ҳисобот бериши керак.

Худди шундай, вилоятлар ҳокимлари ҳам ўз ўринбосарлари ва вилоят бошқармалари раҳбарлари билан бирга ҳар чоракда туманларга бориб, муаммоларни ҳал қилиб, туман халқ депутатлари кенгаши ва фаоллар олдида ҳисобот беради.

Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига раҳбар ва ҳокимларнинг пастга тушиб ишлаши ва ҳисобот бериши бўйича янги тизимни амалда жорий қилиш масъулияти юкланди.

Йиғилишда **макроиқтисодиёт, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари** муҳокама қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 5,8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,9 фоиз ўсгани қайд этилди. Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 2,6 триллион сўмдан зиёд ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўп маблағ қолдирилди. Бюджет даромадлари қарийб 51 триллион сўм ёки прогнозга нисбатан 109 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари мутаносиб бўлишини таъминлаш, маҳаллий бюджетларга қўшимча тушумлар резервларини топиш ва сафарбар қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Банк тизимини тубдан ислоҳ қилиш, замонавий банк хизматларини жорий этиш ва уларнинг сифатини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари нархлар кескин ошиб кетишининг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Дастлабки 6 ойда инфляция 5,6 фоизни ташкил қилиб, прогноз кўрсаткичларидан ошмаган. Лекин тарифлар ва нархлар босқичма-босқич бозор механизмларига ўтаётгани боис мутасаддиларга инфляция ўсишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш топширилди.

Маълумки, август ойи бошида ўтказилган йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи атрофлича муҳокама қилиниб, бу борада янги тизим жорий этиш белгиланган эди. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, унга Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, тижорат банклари ва суғурта компаниялари бириктирилди.

2 ▸

## КУН НАФАСИ

Президент **«Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги фармонни имзолади.

uza.uz

* * *

**«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»**ги Президент фармони қабул қилинди.

uza.uz

* * *

**«Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»**ги Президент қарори қабул қилинди.

uza.uz

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев **Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти Цзинь Лицюнь** бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

**Президент матбуот хизмати**

* * *

Ҳукумат қарори билан **Банк-молия академияси магистратураси бўйича** 2019/2020 ўқув йилига қабул квоталари тасдиқланди. Банк-молия академияси магистратурасига 2019/2020 ўқув йили учун тегишли мутахассисликлар бўйича **200 та (шундан 75 та грант, 125 та контракт)** квота ажратилди.

Бундан ташқари, қарор билан **«Инвестицияларни бошқариш (реал сектор)»** мутахассислиги бўйича қабул квотасини олиш ҳуқуқига эга **14 та мақсадли қабул квоталари** ҳам тақсимланди.

**«Ҳуқуқий ахборот» канали**

* * *

Мева маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш асосидаги сув тежовчи технологияларни жорий қилишга кетган харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди

**Адлия вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

Ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** Арманистонда янги тайинланган элчи **Арам Григорянга ишонч ёрлиқларини топширди.**

**ТИВ матбуот хизмати**

* * *

2020 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон **яна 20 та давлат фуқаролари учун 30 кун муддатга визасиз режим** жорий этмоқда.

gazeta.uz

* * *

Жорий йилнинг 15-30 август кунлари ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб эълон қилинди. **17-18 август** кунлари умумхалқ **хайрия ҳашари** ўтказилади.

**«Ҳуқуқий ахборот» канали**

* * *

2019 йилнинг 14 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили **Исматулла Эргашев** Хитой Халқ Республикаси фавқулодда ва мухтор элчиси **Цзянь Янь билан учрашди.**

kun.uz

* * *

Жорий йилнинг 15 август кунидан бошлаб **«Тошкент-Чимбой» йўналишида мунтазам автобус қатновлари** йўлга қўйилади.

**Транспорт вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

«Ўзстандарт» агентлиги **«Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисида»**ги умумий техник регламент лойиҳасини ишлаб чиқди.

**«Ўзстандарт» агентлиги матбуот хизмати**

* * *

Қозоғистоннинг «Отар» базаси полигонида миномётчилар ўртасида ўтказилган **«Артиллерия олови усталари» халқаро танловида** мамлакатимиз жамоаси **учинчи ўринни** қўлга киритди.

uza.uz

* * *

Хива шаҳрида ўтказилган анъанавий **«Қовун сайли» фестивали ғолибларига** махсус диплом, «Damas» ва «Labo» русумли ўнта **енгил автомашина** тақдим этилди.

uza.uz

* * *

Ўзбекистонда илк бор давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари форуми иш бошлади.

daryo.uz

* * *

Вашингтонда ўзбек рақс санъатини ўрганиш бўйича уч кунлик дастур бошланди.

**ТИВ матбуот хизмати**

## ishonch.uz: «Матбуот бонг уради!»



ЖАМИЯТ

ФАРЗАНДИНИ СОТАЁТГАНЛАР, ЎЛДИРАЁТГАНЛАР уларни инсон деб бўладими?

Qishloq hayoti

АСРЛАР КЎРМАГАН ЎЗГАРИШЛАР

Ma'rifat

KATTA SODDADIL ODAM

Mahalla

ЖИНОЯТГА МОЙИЛ АЁЛЛАР КАТЕГОРИЯСИ: ЭНДИ БАРЧА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИми?

Zarafshon

БАНКОМАТЛАРДА НЕГА НАҚД ПУЛ ЙЎҚ?

HURRIYAT

КЛАРА ЖАЛИЛОВА: ТАҚДИРИМДАН МИННАТДОРМАН...

HURRIYAT

МИСР, ТУРКИЯ, ГРУЗИЯ КАБИ туризм соҳасидан катта даромад кўриш учун нима қилиш керак?

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ўқув маркази фаолияти

*Ўқув марказида 2014-2019 йиллар давомида **6129 нафар** тингловчилар малака оширди.*

*Кутубхона фондида **80.9 ГБ** электрон китоблар мавжуд.*

*Ҳар ойда ҳудудий бирлашмалар қошида ташкил этилган ўқув аудиторияларида 25 нафардан 2 та гуруҳ, жами **700 нафар** бошланғич касаба уюшма қўмита раислари малакаси оширади.*



*Кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш касаба уюшма ходимлари ҳамда фаолларининг касбий билим ва кўникмаларини янгилайди. Касаба уюшма таълими тизимида касаба уюшмалари раҳбарлари ва мутахассислари учун семинарлар ташкил этилади.*

*Ахборот кутубхона фондида **10508 мингтадан ортиқ** бадиий адабиёт, касаба уюшмаларига оид ўқув қўлланмалари, илмий-оммабоп журналлар ва газеталар мавжуд.*

*Ҳар чоракда ҳудудий бирлашмалар билан ҳамкорликда масофавий таълим портали орқали 420 нафар, 1 йилда 1680 нафар янги сайланган бошланғич касаба уюшма қўмиталари раисларининг малакаси оширилади. Жумладан, 2014-2019 йиллар давомида 7106 нафар тингловчи масофадан туриб ўқув курсини битирди.*

*2016-2017 йиллар давомида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун минтақавий Бюроси техник кўмагида «Касаба уюшмалари ўқитувчи-тренерларини тайёрлаш» лойиҳаси амалга оширилди. Унда 32 нафар тингловчига «Касаба уюшмалари ўқитувчи-тренери» номзодлиги бўйича халқаро сертификат топширилди.*

Муносабат

# Илмий салоҳиятни намоён этиш имкониятлари кенг

***Виктор Алимасовнинг «Илмий унвон нимага керак?» мақоласини ўқиб...***

**Мамлакатимизда таълим ва фан соҳалари, жумладан, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими сифатини ва самарадорлигини ошириш юзасидан, айниқса, сўнгги йилларда ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.**

Президентимизнинг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони асосида 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги икки поғонали таълим тизимининг жорий қилиниши тарихий аҳамият касб этди. Мазкур фармон илмий изланишлар сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, илмий салоҳиятни юксалтириш, илмий фаолиятга иқтидорли ёшларни кенг жалб қилиш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Фалсафа фанлари доктори Виктор Алимасовнинг «Ishonch» газетасида (27.07.2019 йил №91) чоп этилган мақоласида олий таълим, илмий тадқиқот ва ОАКга оид фикрлар билдирилган эди. Биз Виктор Алимасовни ўз соҳасининг етакчи олим-мутахассиси ва моҳир педагог сифатида қадрлаймиз. Муаллифга ҳурмат кўрсатган ҳолда мақоладаги ОАК фаолиятига тааллуқли жойлари бўйича қуйидагиларни келтирмоқчимиз.

4 ▸

# МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

◂1

Йиғилишда ушбу янги тизимни жойларда жорий этиш орқали аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларнинг бандлиги ва даромадини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Саноатнинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

– Охирги бир йилда ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улуши 26 фоиздан 30 фоизга етган бўлса-да, бу биз бошлаган ислоҳотлар кўламига нисбатан ҳали етарли эмас, – деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил охирига қадар Навоий кон-металлургия комбинатида 25 та, «Ўзэлтехсаноат»да 18 та, «Ўзавтосаноат»да 7 та, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 5 та инвестиция лойиҳаси бўйича янги қувватлар ишга туширилишини жадаллаштиришга доир тавсиялар берилди.

Қарийб 100 турдаги кундалик истеъмол товарларини саноат кооперацияси орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, корхоналар билан манзилли ишлаб, уларнинг қувватини оширишга кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили деб эълон қилинган жорий йилда сармоялар, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ва ўзлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчи ярим йилликда қарийб 86 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўп инвестициялар ўзлаштирилгани бунга яққол мисолдир. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши 2,7 баробар, халқаро молия институтлари маблағлари жалб этилиши 3,7 баробар ўсган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ошди. Олдинги йилларда бу кўрсаткич 25 фоизга ҳам етмасди.

12 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида **инвестициялар ва экспорт ҳажмини кўпайтириш** юзасидан белгилаб берилган вазифаларни ўз муддатида ва сифатли бажарилишини таъминлаш зарурлиги яна бир бор қайд этилди.

**Ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш** бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу тармоқда ягона давлат сиёсатини олиб борувчи Энергетика вазирлиги ташкил қилинди.

Йиғилишда бу соҳани изчил ривожлантириш, тобора ўсиб бораётган ички эҳтиёжни қондириш учун хомашё базасини мунтазам кенгайтириб бориш кераклиги қайд этилди.

Электр энергияси ишлаб чиқариш ва етказиб беришда йўқотишларни камайтириш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоблар тизимини тартибга солиш, дебитор қарздорликни қисқартириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Кимё саноатида янги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган 4 та корхонани йил якунигача фойдаланишга топшириш, 31 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишларни тезлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехника саноатини янада ривожлантириш, бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириб, маҳсулотлар таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгилаб берилди.

Шундан сўнг **ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва коммуникациялар инфратузилмасини яхшилаш** масалалари кўриб чиқилди.

Ҳисобот даврида уй-жойлар, йўл-логистика ва ижтимоий инфратузилма объектлари қуриш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Обод қишлоқ» дастури доирасида 159 тумандаги 478 та қишлоқ янгича қиёфа касб этди, уларга ичимлик суви, газ ва электр тармоқлари тортилди. Шунингдек, 3,6 минг километр автомобиль йўлларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бу борадаги ишларни давом эттириб, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш масалаларига яна бир бор эътибор қаратилди.

Йил якунига қадар 10 мингта уй-жой ва 111 та кўп қаватли уйларни қуриб битказиш, 1 минг 200 километр ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларнинг сифати ва нархларини алоҳида назоратга олиш зарурлиги таъкидланди.

Транспортда йўловчи ва юк ташиш сифатини ошириш масаласи муҳокама қилинар экан, мутасаддиларга 10 минг километрлик республика ва маҳаллий аҳамиятга эга йўлларни қуриш ва таъмирлаш, халқаро юк ташишларга ихтисослашган транспорт-логистика қўшма корхоналарини тузиш, Бухоро, Қарши, Нукус ва Термиз халқаро аэропортларини «очиқ осмон» режимига ўтказиш, «Навоий қуруқлик порти»ни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шаҳарсозлик нормалари ва лойиҳалаштириш жараёнларини такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан ҳам вазифалар белгиланди.

Йиғилишда **аграр соҳа ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш** борасидаги натижалар ҳам таҳлил қилинди.

Кейинги уч йилда бу соҳаларни барқарор ривожлантириш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича кўплаб қарорлар ва дастурлар қабул қилинди. Фермерлар манфаатдорлиги ва даромадларини оширишга қаратилган иқтисодий механизмлар жорий этилди.

Бугунги кунда истеъмол маҳсулотларининг 70 фоизи иқтисодиётнинг ушбу тармоғида яратилмоқда. 180 дан зиёд турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 80 та мамлакатга экспорт қилиниб, экспортдан тушаётган жами даромаднинг 20-25 фоизини таъминламоқда. Иқтисодий фаол аҳолининг 27 фоизи ушбу соҳада банд.

Ҳозиргача 94 туманда 76 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган. Бу йилги ғалла ҳосили 7 миллион тоннадан ортди. 15 минг гектар интенсив боғ ва 11 минг гектар токзор барпо этилди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, куз ойларида қўшимча сабзавотлар экиш, туманларнинг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, ҳосилдорликни ошириш чора-тадбирлари ҳам белгиланди.

Маҳсулотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш масаласи кўрилар экан, жорий йил охиригача қуввати 150 минг тонна бўлган 12 та логистика маркази ва сиғими 143 минг тонна бўлган 224 та музлаткичли омборхонани ишга тушириш зарурлиги қайд этилди.

Ғаллачилик кластерлари, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик комплекслари ташкил этиш, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш** масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, спорт ва илм-фан соҳалари, хотин-қизлар ва ёшлар масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларини узоқ муддатли ривожлантириш бўйича концепциялар қабул қилинди. Ижтимоий соҳа ходимларининг иш ҳақи ўртача 1,5-2 баробар оширилди.

Ўтган даврда 14 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, 6 та маҳаллий ва 8 та хорижий олий таълим муассасаси филиали фаолияти йўлга қўйилиб, 40 та янги таълим йўналиши ҳамда 41 та янги мутахассислик ташкил этилди. Қабул квоталари ўтган йилга нисбатан 20 фоизга кўпайтирилди.

Туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича кўрилган чоралар натижасида 6 ойда юртимизга 3 миллион нафардан ортиқ хорижий турист ташриф буюрди. Бу ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўпдир. Шунингдек, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28 фоиз кўп туризм хизматлари экспорт қилинди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 100 миллиард сўм ажратилди. Жорий йилнинг 6 ойи давомида ушбу маблағларнинг 41 фоизи ўзлаштирилиб, хотин-қизлар томонидан 1 минг 755 та лойиҳа амалга оширилди ва 2 минг 240 та иш ўрни яратилди.

Йиғилишда ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш, хизматлар қамрови ва сифатини ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгилаб берилди.

– Барча давлат идоралари ва корхоналарида тизимли ишлаш, қатъий тартиб-интизом, қабул қилинган қарорларни сўзсиз бажариш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам бериш ислоҳотларимизнинг натижадорлигини таъминлашда асосий омил бўлиши зарур ва шарт, – деди Президент.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ҳудудлар раҳбарлари амалга оширилган ишлар самарадорлиги, 9 ой ва йил якуни бўйича кутилаётган натижалар, бу борадаги устувор вазифаларни бажариш юзасидан ҳисобот берди.

Йиғилиш якунлари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА**

---

## Қонун лойиҳаси муҳокамада

*Жиззах вилояти*

# Давр эҳтиёжидан келиб чиқаётган муҳим ҳужжат

## *Жиззах вилоятида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинди*

**Унда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши юридик бўлими мудири Ҳамидулла Пиримқулов, Жиззах вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нусратилла Пардаев ва бошқалар қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати, унинг мазмун-моҳияти ва лойиҳадаги янгиликлар хусусида мулоҳаза юритишди.**

– Бугун ҳар бир жабҳадаги ислоҳотлар натижасида замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Меҳнат шароитлари ҳам шунга мос, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши юридик бўлими мудири Ҳамидулла Пиримқулов. – Меҳнат муносабатларининг янгича тамойиллар асосида ташкил қилинаётгани эса ўз-ўзидан ходимлар манфаатини ҳимоя этишда янгича услубларга таянишимизни тақозо этмоқда. Амалдаги «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган даврдан (1992 йилдан) бери кўп нарсалар ўзгарди. Ҳаётий зарурат янги қонунга эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда.

Муҳокамалар чоғида ҳар икки тараф – қонун ижодкорлари ва касаба уюшмаси етакчилари кўплаб таклифлар билдиришди

* * *

**Алишер КАРИМОВ,**
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

– Қонун лойиҳаси билан танишар эканман, менда қатор фикрлар уйғонди. Хусусан, қонун лойиҳасининг 16-моддаси биринчи сўз боши давомига қуйидаги қўшимча киритилиши лозим, деб ўйлайман: «Касаба уюшмасини ташкил этишда ходимларнинг касбий ўзига хослиги, яъни касблар бўйича бирлашиш тартибига қатъий риоя этишлари шарт». Бу касаба уюшмаси аъзоларининг соҳадаги ўзгаришлардан вақтида хабардор бўлишлари ҳамда касаба уюшма ташкилотининг соҳа ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш имконини беради.

Қонун лойиҳасининг 37-моддаси охирги сўз бошисида «Меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун касаба уюшмаси бирлашмалари касаба уюшмаларининг хусусий инспекцияларини тузиш ҳуқуқига эга» дейилган.

Амалиётдан маълумки, ушбу инспекцияга юклатилаётган вазифаларни, ариза, мурожаатларнинг камида эллик фоизи суд ва бошқа ҳуқуқ органлари аралашувигача етиб боради. Шунинг учун ушбу инспекциянинг «Низоми»ни Ўзбекистон Республикаси тармоқ кенгашлари касбий ўзига хослигидан келиб чиқиб тайёрлаши, тасдиқлаши ва Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказиши лозим бўлади. Шундагина ушбу инспекция муваффақиятли ишлаши мумкин.

Шу нуқтаи назардан қонун лойиҳасининг 37-моддасига қуйидагича қўшимча киритилишини таклиф қиламан: «Тармоқ касаба уюшма кенгашлари касбий ўзига хослигидан келиб чиқиб, Меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш инспекцияси низомини ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказадилар».

* * *





**Илҳом ЎРИНОВ,**
«Жиззах ҳудудий электр тармоқлари» корхонаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси:

– Қонун лойиҳасининг 56-моддаси иккинчи хатбошисида: «Касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек, касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан мазкур шахслар касаба уюшмаси фаолиятини олиб борган касаба уюшмасининг розилигини олмай туриб, бекор қилишга йўл қўйилмайди» дейилган. Унга «...касаба уюшмасининг розилигини олмай туриб, **интизомий жазо қўллаш ҳамда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан** бекор қилишга йўл қўйилмайди» деб ўзгартиш киритиш лозим.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг 56-моддаси учинчи хатбошисида «Касаба уюшмаси раҳбари ҳисобланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек, касаба уюшмаси раҳбарлик лавозимини эгаллаган ходимлар билан ваколатлари тугаганидан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга тегишли касаба уюшмаси бирлашмасининг розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди» дейилган. Ушбу моддадаги жумлани қуйидагича ўзгартириш таклифини бераман: «касаба уюшмаси бирлашмасининг розилигини олмай туриб, **интизомий жазо қўллаш ҳамда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини** бекор қилишга йўл қўйилмайди».

* * *

Савол-жавобларга бой ўтган муҳокамаларда «Касаба уюшмалари куни» ёки «Касаба уюшмалари ходимлари куни»ни белгилаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида касаба уюшмаларининг доимий ишлайдиган вакили бўлишини таъминлаш тўғрисида ҳам таклифлар билдирилди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ,**
«ISHONCH»

---

*Навоий вилояти*

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нурота тумани кенгаши ташаббуси билан тармоқда фаолият юритаётган ёш ходимлар ўртасида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

# Ёшлар ўз таклифларини билдирди

Тадбирда таъкидландики, амалдаги қонун бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти. Қамрови жиҳатидан республикада энг катта жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмаларининг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Иш берувчилар томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига амал қилиниши юзасидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш, иш куни муддати, иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги, болалар меҳнатидан фойдаланиш тўғрисидаги қоидалар қўлланишини таъминлаш мақсадида қонунчилик ташаббуси илгари сурилди. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда эса, аввало, унинг мукаммаллиги, хориж тажрибасини ўрганишга эътибор қаратилди.

Хусусан, қонун лойиҳасида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган, шунингдек, олий ёки ўрта махсус, касб таълими муассасаларида ўқиётган ўн беш ва ундан катта ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз танловлари бўйича касаба уюшмаларини тузиш, уларга аъзо бўлиш, касаба уюшмаси фаолияти билан шуғулланиш ва касаба уюшмасидан чиқиш ҳуқуқига эгалиги белгилангани ёшлар эътиборини тортди.

– «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини диққат ва эътибор билан ўқиб чиқдим, – дейди Нурота тумани халқ таълими бўлими ёшлар билан ишлаш комиссияси раиси Тоҳир Муҳиддинов. – Ҳақиқатан ҳам, ушбу қонунда касаба уюшмаларига кўплаб ваколатлар берилмоқда. Улар келгусида касаба уюшмалари нуфузини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қизғин савол-жавоблар ва мулоҳазаларга бой руҳда ўтган муҳокамада «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг айрим бандларига нисбатан ёшлар ўз таклифларини билдиришди.

**Дилафрўз ЎРОЗОВА,**
Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

«Ishonch»га жавоб берадилар

# Тартибга риоя этиш шарт

**«Ishonch» газетасининг жорий йил 13 июль куни сонида чоп этилган «Ўқувчига телефон керакми?» сарлавҳали мақолага Халқ таълими вазирлигидан қуйидагича жавоб келди:**




... Инсон, шу жумладан, болалар ҳуқуқлари поймол қилинишининг олдини олиш нуқтаи назарида, биринчи навбатда, мобиль телефонлар ўқувчи ва талабаларни дарсдан чалғитувчи ҳамда соғлигига зарар етказувчи восита эканини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ва «Реклама тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом» Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги 139-сон қарорига мувофиқ амалиётга жорий этилди.

Мазкур низомнинг қабул қилиниши таълим муассасаларида мобиль телефондан фойдаланиш тартибини ва бу борада таълим муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилари, ишчи-ходимлари, ўқувчиларининг ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Таълим муассасасида таълим олувчиларга машғулотлар ва тадбирлар оралиғида фақат асосли ва кечиктириб бўлмайдиган зарур ҳолатларда ота-онаси, яқин қариндошлари, таълим муассасаларининг раҳбарлари ёки ходимлари билан зудлик билан боғланиш мақсадида телефонлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотлари ва тадбирлар (сафланиш, тарбиявий соатлар, байрам, спорт тадбирлари ва шу кабилар) бошланишидан олдин ўқувчилар телефонини ўчириб қўйиши, телефонини портфели, сумкаси ва шу кабиларга солиб қўйиши шарт.

Бундан ташқари, телефонини бўйнига осиб олиш, кўкрак чўнтакларида, шим, юбкалари чўнтакларида ва шу кабиларда сақлаш, телефон аккумуляторини зарядлаш учун уларни таълим муассасаси электр тармоқларига улаш қатъиян тақиқланади.

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланиш тартибига риоя этилиши назоратга олинган.

Ушбу Низом талаблари янги ўқув йилида имзо қўйдирилган ҳолда ҳар бир ўқувчига ва унинг ота-онасига (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) етказилади. Янги ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар билан тарбиявий соатларда, уларнинг ота-оналари билан улар иштирокида ўтказиладиган йиғилишларда мунтазам муҳокама этиб бориш, ота-оналарга мобиль телефонларнинг салбий таъсири юзасидан тушунтириш ишлари доимий йўлга қўйилади.

**Вазир ўринбосари Д.Кенжаев**

# Ташкилий ишлар бошланди

**Газетанинг шу йил 18 июлдаги сонида чоп этилган «Улуғ учинчи дарё...» ёки Отажон Худойшукуров мероси муносиб эъзоздами?» сарлавҳали мақолага Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қуйидагича муносабат билдирди:**




Жорий йилнинг 16 август куни Элликқалъа туманининг Бўстон шаҳрида ардоқли санъаткор, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон халқ артисти Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган хотира кечаси, 3-6 октябрь кунлари эса Тўрткўл шаҳрида «Она диёр куйчиси» деб номланган ёш истеъдод соҳибларининг миллий қўшиқчилик, эстрада, бахши-жировлар ва ёш шоирлар Республика кўрик-фестивалини ўтказиш бўйича тегишли ташкилий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Тўрткўл тумани ҳокимлиги жорий йилнинг 10 августидан бошлаб «Турон булбули» қўшиқ ижрочилари телетанловини ўтказмоқда.

Отажон Худойшукуров уй музейи учун янги иморат қуриш бўйича Тўрткўл тумани ҳокимлиги, ихтисослаштирилган махсус мактабга ҳофиз номини бериш бўйича эса Элликқалъа тумани ҳокимлиги тегишли ташкилий ишларни амалга оширмоқда.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари М.Жуманов**

Навоий вилояти

**Президентимизнинг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича Навоий вилоятининг Қизилтепа, Кармана, Хатирчи туманларидаги бир қатор фермер хўжаликларида томчилатиб суғориш технологияси йўлга қўйилган бўлиб, фермерлар унинг қулай ва тежамкор эканига ишонч ҳосил қилишмоқда.**




# Томчи сувда тоғдек насиба

– Узоқ йиллардан буён пахтачилик билан шуғулланамиз, – дейди Хатирчи туманидаги «Элёр Қўлдош саховати» фермер хўжалиги раҳбари Элёр Қўлдошев – Даламизга 7 километр узоқликдаги ариқдан сув келади. Ўртада катта-катта қишлоқлар бор. Улар ҳам худди шу ариқдаги сувдан фойдаланади. Илгари 10 гектар пахта даласини суғориш учун икки нафар сувчи уч, баъзан тўрт кеча-кундуз ухламасдан уватма-уват кетмон кўтариб юрар эди. Бу йил Туркия технологияси асосида томчилатиб суғоришни йўлга қўйдик. Ҳозир 50 гектар пахтазор томчилатиб суғорилмоқда. Фойдаси жуда катта. 10 гектар ерни 6-7 соатда суғориб оламиз. Ҳамма нарса тежалмоқда – вақт, сув, минерал ва маҳаллий ўғитлар, ёқилғи, техника кучи, эҳтиёт қисмлар. Тежалган маблағ эса ҳозирча 50 миллион сўмдан ортди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор. Томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланишни бошлаган фермер хўжаликлари учун давлат 40 фоизгача субсидия ажратмоқда. Бу жуда катта имконият аслида.

Ғўза қатор ораларини томчилатиб суғоришни йўлга қўйган яна бир юртдошимиз – Кармана туманидаги «Музаффар Истамов» фермер хўжалиги раҳбари Музаффар Истамов мазкур технологиянинг қулайлиги ва жуда катта фойдалилигини бизга ҳижжалаб тушунтириб берди.

Унинг таъкидлашича, банк 450 миллион сўм кредит ажратган. Шундан 154 миллион сўмини давлат субсидия тариқасида тўлаб берган. Ғўза даласини қаторлатиб оқар сув билан суғорган пайтда бир гектар майдонга бир пайтда 500-600 килограмм минерал ўғит сарфланган бўлса, томчилатиб суғориш туфайли ҳар гектар ердан 350-400 килограмм ўғит тежалган. Илгари 23 гектар ғўза майдони 6-7 кун давомида суғорилган бўлса, бунинг учун айни вақтда бор-йўғи 40 соат вақт сарфланмоқда.

– Мазкур усулда суғориш тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайди, – дейди Хатирчи туманидаги «АГРО ТСТҚЖ» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Илҳомжон Исроилов. – Пахтазорни эски тартибда, яъни оқар сув билан суғорганимизда эгат бошидаги ғўзалар қониб сув ичса-да, охиридагилар сувга тўймас эди. Томчилатиб суғоришда эса даланинг ҳамма жойига сув бир хил меъёрда етиб боради. Эски тартибда сув 1,5 метр чуқурликкача сингиб борган бўлса, томчилатиб суғоришда сувнинг тупроққа сингиши 60 сантиметрдан ошмайди. Натижада жуда катта миқдордаги сув тежалади. Янги технологиянинг яна бир муҳим афзаллиги далада бегона ўт кўпаймайди, тупроқ қотиб қолмайди. Ўтган йилда 1 гектар ғўзани суғориш учун 700 килограмм ўғит сарфлаган эдик. Бу миқдор бу йил 150 килограммни ташкил этди. Аммо ғўзаларимиз ҳосили ўтган йилдагидан кўра кўпроқ.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида ҳам оқар сув муаммоси деҳқонларни анчадан буён қийнаб келади. Шу сабаб фермер Рустам Дўшамов томчилатиб суғориш технологияларига қизиқиб қолди.

Туркиядан мазкур технологияни келтириб, чўлнинг қоқ ўртасига ўрнатди. Шу кунга қадар янтоқ босиб ётган 10 гектар далага қўрқмасдан чигит экди. Кўклам ёмғирлари таъсирида кечикиб экилган чигит томчилатиб суғориш туфайли ривожланиш борасида олдин экилганларига тенглашиб олди. Чўлнинг ўртасида кенг пахтазор пайдо бўлди. Фермернинг режаси кузга бориб, шу жойдан гектар ҳисобига 40 центнердан ҳосил олиш. У яна чўлда беш-олти гектар ерни ўзлаштириб, томчилатиб суғориладиган боғ ташкил этмоқчи.

*Хуллас, пахтачиликда томчилатиб суғориш технологияларидан самарали фойдаланишнинг афзалликлари кўплигига Навоий вилояти фермерлари фаолияти мисолида яққол ишонч ҳосил қилдик. Энг муҳими, ҳеч кимнинг сув талашиб ёки қўшимча вақт, ишчи кучи талаб қилиб хуноби ошмайди. Бир ариқ сув юзлаб гектар майдондаги ғўзаларни қондириб суғоришга бемалол етади. Демак, «томчи сувда тоғдек насиба бор», деб шунга айтсалар керак-да.*

**Нормурод МУСОМОВ,**
«ISHONCH»

Эълонлар

# Олмазор тумани давлат солиқ инспекцияси маълум қилади:

**Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги №327-сонли «Узоқ муддатлардан буён фаолият юритмаётган ва ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Тошкент туманлараро иқтисодий судининг қарорларига асосан Олмазор тумани давлат солиқ инспекцияси маълумотлар базасида фаолият юритмаётган қуйидаги иловада номлари қайд этилган корхоналарнинг думалоқ муҳри, бурчакли тамғаси, корхона рўйхатидан ўтган таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси, низоми, таъсис ҳужжатлари ва рухсат берувчи гувоҳномалар бекор қилинади.**

| № | ИНН | КОРХОНА НОМИ | САНАСИ |
|---|---|---|---|
| 1 | 304928336 | ООО «FERNANDO UNIVER» | 26.03.2019 |
| 2 | 302105547 | FARUS PARTNERS | 26.03.2019 |
| 3 | 304099704 | ABDUXAMID SMART TRADE | 26.03.2019 |
| 4 | 303008509 | STEADY STEP | 26.03.2019 |
| 5 | 302467080 | BEST BUY SERVICE MCHJ | 27.03.2019 |
| 6 | 305307070 | ООО «MILLENIUM ART STUDIO» | 09.04.2019 |
| 7 | 305375764 | ЧП «NILUFAR HOLDING» | 09.04.2019 |
| 8 | 305209826 | ООО «STROY-DOM-SERVICE» | 09.04.2019 |
| 9 | 304084945 | PROTON AUTO TRANS | 09.04.2019 |
| 10 | 304574114 | PROSPERITY TRADE MMX | 09.04.2019 |
| 11 | 300392329 | ООО «ERVIN TRADING» | 09.04.2019 |
| 12 | 303863174 | IDEAL EVERYDAY FRESHEN | 09.04.2019 |
| 13 | 302405403 | ALISHER BROK SERVIS MCHJ | 09.04.2019 |
| 14 | 305320380 | ООО «PROGRESS PROEKT DESIGN» | 09.04.2019 |
| 15 | 305234757 | ЧП «DAVRON-KAMRON NEW» | 09.04.2019 |
| 16 | 305403103 | ООО «SARDOBA TEXNIKA» | 09.04.2019 |
| 17 | 304904231 | ООО «STRONG CEMENT» | 09.04.2019 |
| 18 | 305103302 | ЧП «MUSLIMAXON OSHXONASI» | 09.04.2019 |
| 19 | 305293147 | ООО «OLMAZOR GRAND STROY» | 09.04.2019 |
| 20 | 305571655 | ЧП «MAX MEGA» | 09.04.2019 |
| 21 | 303080445 | GIBRIT IDEAL SERVIS | 09.04.2019 |
| 22 | 304993044 | СП «XIKMATULLO FAYZ» | 09.04.2019 |
| 23 | 305282889 | ООО «WRESTLING» | 09.04.2019 |
| 24 | 303361364 | KABIR SAVDO MCHJ | 09.04.2019 |
| 25 | 301828866 | ZARINABONU RUSLAN | 09.04.2019 |
| 26 | 305455592 | ООО «TURON ELEKTRO TRADING» | 23.04.2019 |
| 27 | 304743583 | BEKOOV TRADE | 23.04.2019 |
| 28 | 300858545 | BAXT OMAD PLUS MCHJ | 23.04.2019 |
| 29 | 305659204 | ЧП «EL-FAYZ-BIZNES» | 30.04.2019 |
| 30 | 305552195 | ООО «ARMADA-INDUSTRY» | 30.04.2019 |
| 31 | 305434666 | СП «SAXOVAT OK» | 30.04.2019 |
| 32 | 303035626 | EXPERT TASHKENT CONSULTING | 23.04.2019 |
| 33 | 302594218 | IDEAL LEATHER GROUP | 23.04.2019 |
| 34 | 302793334 | ROODELL MED | 23.04.2019 |
| 35 | 302814535 | CUSTOM BROKER SERVICE | 23.04.2019 |
| 36 | 304911097 | ЧП «OYBEK GROUP» | 23.04.2019 |
| 37 | 303383115 | RISOLAT MEBEL | 23.04.2019 |
| 38 | 305583514 | ЧП «RIXSI ONA» | 23.04.2019 |
| 39 | 305191582 | ЧП «XOVOS ASR» | 23.04.2019 |
| 40 | 304602670 | BUILDING DISCOVERY | 23.04.2019 |
| 41 | 303030886 | OPTIMAL UNION | 23.04.2019 |
| 42 | 305356447 | ООО «GREENGARDEN» | 23.04.2019 |
| 43 | 304861097 | ООО «ASIA COLOURS» | 23.04.2019 |
| 44 | 304728839 | AVTO ELEMENT | 23.04.2019 |
| 45 | 305153312 | ООО «GENERAL HIGH» | 23.04.2019 |
| 46 | 205256598 | TEPLOENERGOREMONT XK | 23.04.2019 |
| 47 | 304985955 | ЧП «MSN DISTRIBUTION INVEST» | 23.04.2019 |
| 48 | 305428260 | ЧП «ISLOMBEK TRADE» | 26.07.2019 |
| 49 | 305769082 | ООО «AZIYA LYUKS GROUP» | 26.07.2019 |
| 50 | 305628899 | ЧП «XOLIDAXON BUSINESS» | 26.07.2019 |
| 51 | 305452637 | ЧП «SHIRINA ZOXIRBEK BARAKA» | 26.07.2019 |
| 52 | 304221204 | GREEN STAR GROUP | 26.07.2019 |
| 53 | 303266268 | XURSAND MOBILE | 26.07.2019 |
| 54 | 206998569 | STAMP LIDER | 26.07.2019 |
| 55 | 304991807 | ООО «NAZARIY-MIR» | 26.07.2019 |
| 56 | 305678781 | ЧП «USTIVOR ZAMON BINO» | 26.07.2019 |
| 57 | 305474134 | ООО «EUROTEC» | 26.07.2019 |
| 58 | 304879248 | ЧП «MUHLISA OMAD DIYOR» | 26.07.2019 |
| 59 | 305868119 | ЧП «MILLIY FOOD QORASAROY» | 26.07.2019 |
| 60 | 305554232 | НОУ «LINGO» | 26.07.2019 |
| 61 | 305210099 | ЧП «NEXUS PRINT LUX» | 26.07.2019 |
| 62 | 305224072 | СП «TO`LAGANOV STROY BIZNES» | 26.07.2019 |
| 63 | 305383493 | ООО «OLD TOWN» | 26.07.2019 |
| 64 | 304980875 | УП «AZIZ-BIZNES-GROUP» | 26.07.2019 |
| 65 | 303335885 | SHAFRAN BEAUTY | 26.07.2019 |
| 66 | 305615923 | ЧП «ASADBEK-HAYOT FAYZ» | 26.07.2019 |
| 67 | 305107938 | ООО «BEST IT SERVICES COMPLEX» | 26.07.2019 |
| 68 | 305212475 | ООО «TASHKENT INTERNATIONAL» | 26.07.2019 |
| 69 | 304834518 | ООО «NUR DIYOR NORM» | 26.07.2019 |
| 70 | 305383192 | ЧП «DER ADLER» | 26.07.2019 |
| 71 | 305168823 | ЧП «SAKINA ABDU MOBILE» | 26.07.2019 |
| 72 | 305623541 | ООО «LIDILAYN» | 26.07.2019 |
| 73 | 305704789 | ООО «DELECTABLE WATER» | 26.07.2019 |
| 74 | 305460263 | ООО «LIGHTWAY INNOVATIVE» | 26.07.2019 |
| 75 | 305683871 | ООО «NEW MAX BUILD» | 26.07.2019 |
| 76 | 305653569 | ООО «CHOYHONA TOURIST» | 26.07.2019 |
| 77 | 303040329 | ООО «QIANYU BUSINESS TRADE» | 26.07.2019 |
| 78 | 304166139 | HEALTHY FOOD SUPPLY | 26.07.2019 |
| 79 | 302601223 | SAMO POLIMER | 26.07.2019 |
| 80 | 305525268 | ЧП «SJAEM» | 26.07.2019 |
| 81 | 305813660 | ЧП «INNOVATSION-SAVDO» | 26.07.2019 |
| 82 | 305613585 | ООО «GROVE INC» | 26.07.2019 |
| 83 | 305329202 | ЧП «ULFATLAR BIZNES» | 26.07.2019 |
| 84 | 305618981 | ЧП «FARANGIZ NEW TRADE» | 26.07.2019 |

Корхоналарнинг дебитор кредиторлари даъволари бир ой муддат мобайнида Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 269-уй манзили бўйича қабул қилинади.

**Мурожаат учун телефон:** (78) 140-94-27, (78) 140-94-97, (71) 228-05-15. **Ишонч телефони:** (71) 228-05-15.

Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, «Файзобод» маҳалласи, Улуғбек 1-боши берк кўчаси, 17-уй учун Юлдашев Бахтиёр Закиржанович номига берилган уй дафтари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Ўзбекистон кўчаси, 182-уйда жойлашган «MEGA OIL SERVICE» МЧЖ (СТИР: 302373935) 2019 йил 12 августдаги №1-08/2019-сонли йиғилиш баённомасига асосан ихтиёрий тугатилади.

Даъволар (97) 455-41-22 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти, Янгийўл туманидан рўйхатдан ўтказилган «BIZNES-BARAKA» МЧЖнинг Устав жамғармаси 14 010 000 000 (ўн тўрт миллиард ўн миллион) сўмлик улушидан 10 000 000 (ўн миллион) сўмлик улуши миқдоригача камайишини маълум қилади.

Тошкент вилояти, Янгийўл туманидан рўйхатдан ўтган «FAVORIT» (СТИР: 306519828) масъулияти чекланган жамиятига «SARDOR BUILDING» МЧЖ (СТИР: 306486009), «CROSS STROY» МЧЖ (СТИР: 306447371), «SIFAT QURILISH» МЧЖ (СТИР: 306466064), «GLOBAL INPEKS NUR» МЧЖ (СТИР: 306466064)лар қўшилмоқда. «FAVORIT» МЧЖ «SARDOR BUILDING» МЧЖ, «CROSS STROY» МЧЖ ҳамда «SIFAT QURILISH» МЧЖ, «GLOBAL INPEKS NUR» МЧЖларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

**«MEGA INVEST INSURANCE» МЧЖ**
**суғурта компанияси (ИНН: 2070023442) ўзининг фирма номини «MY-INSURANCE» МЧЖ суғурта компанияси деб ўзгартирганини маълум қилади.**

«MEGA INVEST INSURANCE» МЧЖ суғурта компанияси ҳуқуқий вориси «MY-INSURANCE» МЧЖ суғурта компанияси ҳисобланади.

«MEGA INVEST INSURANCE» МЧЖ суғурта компанияси билан тузилган барча шартномаларнинг амал қилиш муддати уларнинг якунига қадар юридик кучга эга.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99895) 341-20-20, 342-20-20. **E-mail:** mega-invest@mail.ru

Мулоҳаза

**Яқинда шифохонамизга бир аёл келди. У кучли бош оғриғи, бош айланиши, уйқусизлик, кўнгил айниши, асабийлашишдан шикоят қиларди. Текширув давомида бошининг энса соҳасида ғурра аниқланди, кўз атрофи юмшоқ тўқималари ҳам кўкарган. Кўриниб турибдики, кимдир уни калтаклаган.**

# «Айбим – қиз туққаним»



Кейин билдикки, эри маст ҳолатда келиб, уни роса дўппослаган.

– Айбингиз нима? деб сўрадим бемордан.

– Айбим – қиз туққаним, – дея хўрсинади у. – Биринчи фарзандим УЗД текширувида қиз эканини билишганидан буён аҳволим шу. Ҳозир уч нафар қизим бор. Эрим ва қайнонамнинг дашномларидан тўйиб кетдим. Етти йилдирки, аҳвол шу...

Шунда туйқус хаёлимда Тошкент тиббиёт академиясида ўқиб юрган кезларим жонланди.

... 5-курс эдик. Маъруза сўнгида бир талаба ўқитувчига шундай савол берди: Устоз, фарзанднинг қиз ёки ўғил бўлишида кўпроқ онани айблашади, шу тўғрими?

Шунда ўқитувчимиз шундай жавоб қилди: «Сен шафтоли экиб, ўрик олмоқчимисан?».

Ҳар доим шундай бўлган. Оилада қиз фарзанд туғилишида кўпроқ она айбланган. Аслида, қиз бўлсин, ўғил бўлсин – борига шукур. Қанчадан – қанча одамлар тирноққа зор.

Энди биологик нуқтаи назардан ҳомила жинси қандай шаклланишини эслаб ўтсак. Эркак жинсий ҳужайрасида 2 хил – X ва Y хромосомалар бўлади. Аёл жинсий ҳужайрасида эса фақат X хромосома мавжуд. Агар уруғланиш жараёнида эркакнинг X хромосомали спермотозоиди аёл тухум ҳужайраси билан қўшилса, (аёлларда фақат X хромосомали тухум ҳужайра бўлади) ҳомила генотипи XX хромосомага эга бўлиб, бундан қиз фарзанд дунёга келади. Борди-ю эркакнинг Y хромосомали спермотозоиди аёл тухум ҳужайраси билан қўшилса, ҳомила XY хромосомага эга бўлиб, бундан ўғил фарзанд дунёга келади.

Ана энди тушунгандирсиз, ўқитувчининг «Шафтоли экиб, ўрик олмоқчимисан?» деган сўзларининг мағзини.

**Элбек БОЛТАЕВ,**
Хива тумани тиббиёт бўлими шифокори

*Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм-фан ютуқларисиз биронта соҳанинг ривожланиши мумкин эмас. Шу маънода, заҳматкаш, фидойи олимларимиз – Худо берган одамлар, десак, хато бўлмайди. Уларни бошқалар билан тенг қилиш мумкин эмас. Бундай инсонлар мингтадан, миллионтадан битта туғилади. Уларни асраб-авайлашимиз, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ*

# Илмий салоҳиятни намоён этиш имкониятлари кенг

◄1

**ОАК ўз ваколати доирасида** доимий равишда аттестация жараёнига оид тартиб-қоидаларни такомиллаштириш, жойларда илмий жамоатчилик билан мунтазам равишда учрашувлар ташкил қилиш ва изланувчиларга илмий-ташкилий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан тегишли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, диссертация ҳимояси тўғрисидаги маълумотлар эълон берилган кундан бошлаб ҳимояни ўтказиш муддатини 50 кунга қисқартириш (90 кундан 40 кунгача) ва автореферат тарқатилгандан кейин ҳимояни ташкил этиш муддатини 1 ойдан 12 кунгача камайтириш каби қоидалар низомларга киритилди; илмий даражалар ва илмий унвонлар бўйича қарор қабул қилинган кундан бошлаб ҳужжатларни ОАКга тақдим этиш муддати 66 фоизга камайтирилди; барча қўшимча малакавий имтиҳонлар бекор қилинди. Кейинги бир ярим йил ичида жойларда 4300 нафардан ортиқ илмий жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ўтказилиб, унда 1300 тадан ортиқ саволларга тушунтириш берилди ва 550 нафар изланувчига жойида амалий ёрдам кўрсатилди.

**Диссертация ва унинг авторефератини расмийлаштириш** ўрнатилган тартибда тасдиқланган «Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидалари» асосида амалга оширилади. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, ОАК томонидан тасдиқланган ҳар бир идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, албатта, илмий жамоатчилик билан маслаҳат қилинган ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда тасдиқланиб, давлат рўйхатидан ўтганидан кейингина амалиётга жорий этилган. Демак, моҳиятан аттестация жараёнига оид тартиб-қоидалар нафақат ОАК, балки илмий жамоатчилик ҳамда манфаатдор ташкилотларнинг ҳам қарори бўлиб, ваколати доирасида ОАК томонидан тасдиқланади.

***«ОАК Бюллетени» журнали бугунги кунда беш юз нусхада чоп этилмоқда. Журналнинг 2015 йилдан бошлаб чоп этилган барча сонлари ОАК веб-сайтига жойлаштирилган. 2019 йилнинг 5 июлидан бошлаб чоп этилган журналнинг тегишли сонини веб-сайтга дарҳол жойлаштириш йўлга қўйилди.***

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги нечта бўлиши**ни фақат илмий изланувчи ўзи амалга оширган тадқиқот натижасига кўра белгилаши мумкин. Бу борада ОАК тарафидан ҳеч қандай чеклов ёки талаб йўқ. Илмий янгиликлар ҳақидаги маълумотлар тўрт нафар шахс имзо қўйганидан (изланувчи, илмий раҳбар, илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ва илмий котиби) кейингина расмий равишда илмий даражалар берувчи илмий кенгаш томонидан ОАКга тақдим этилади. ОАКда ҳужжатлар фақат меъёрий-техник экспертизадан ўтказилади, уларнинг мазмуни кўриб чиқилмайди.

**Плагиат (кўчирмачилик) ҳолатларини аниқлаш бўйича тўловлар ҳақида.** Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида 2017 йилнинг 22 ноябрдан бошлаб диссертация ва авторефератларда плагиат (кўчирмачилик) ҳолатини аниқлаш билан боғлиқ тўлов миқдорлари белгиланган. Плагиат ҳолатини аниқлаш рўйхатдан ўтказилган «Component» электрон дастури асосида амалга оширилади. Хизматлар ғазначилик ҳисоб рақамига белгиланган тартибда фақат пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**Тушган маблағлар қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:** «Component» электрон дастурини такомиллаштириб бориш; маълумотлар базасини доимий равишда тўлдириб бориш; диссертация ва авторефератларни текширишга техник жиҳатдан тайёрлаш, солиштириш, таққослама жадваллар тузиш; электрон дастурнинг ишлаш жараёни барқарорлигини таъминлаш; жалб этилган мутахассислар меҳнатини рағбатлантириш ва бошқа ташкилий-техник сарфлар.

**«ОАК Бюллетени» журнали** бугунги кунда беш юз нусхада чоп этилмоқда. Журналнинг 2015 йилдан бошлаб чоп этилган барча сонлари ОАК веб-сайтига жойлаштирилган. 2019 йилнинг 5 июлидан бошлаб чоп этилган журналнинг тегишли сонини веб-сайтга дарҳол жойлаштириш йўлга қўйилди.

Журнал ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Товар хомашё биржасида конкурс савдоларида ғолиб бўлган матбаа корхонаси томонидан чоп этилади. Журналнинг нархи ўрнатилган тартибда шакллантирилади. Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан журнални ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрни қопланганидан кейин қолган маблағнинг камида 75 фоиз моддий-техника базани мустаҳкамлашга ва 25 фоиз ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

«ОАК Бюллетени» журнали шартнома асосида ОТМ, ИТМ ва бошқа ташкилотларга фақат банк муассасалари орқали пул ўтказиш йўли билан реализация қилинади. Журнал жисмоний шахсларга ҳам фақат банк муассасалари орқали тўлов амалга оширилганидан кейин, квитанциялар асосида сотуви амалга оширилади (нақд пул билан ҳисоб-китоб қилинмайди).

**Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланганларнинг ёши** бўйича фикр юритадиган бўлсак, уларнинг ўртача ёши 38 ёшга тенг. Мазкур илмий даражада 40 ёшгача тасдиқланганларнинг сони 1188 нафар бўлиб, жумладан 133 нафари 30 ёшгача, 343 нафари 31-33 ёш оралиғида, 251 нафари 34-35 ёш оралиғида ва 461 нафари 36-40 ёш оралиғидадир (*Маълумот учун:* ҳурматли олимимиз илмий раҳбарлик қилган талабгор диссертациясини 36 ёшда ҳимоя қилган). Ушбу ҳимоя қилаётганлар ёшининг катта ёки кичиклигига илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар ёки ОАК ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Изланувчиларнинг ҳимоя ёшларини ёшартириш, энг аввало, изланувчининг ўзига, илмий раҳбари (маслаҳатчи)га ва иш бажарилган муассасада тегишли ишлар қандай ташкил этилганига боғлиқ.

**ОАК тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда** диссертациялар илмий янгилик (натижа)ларининг амалиётга жорий қилинишини талаб этади. Мақолада билдирилган «... чанг босиб ётибди» деган фикр 2013 – 2019 йилларда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари бўйича ҳимоя қилинган диссертацияларга нисбатан тўғри келмайди. Чунки, олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли (DSc) ва икки поғонали (DSc, PhD) тизимлари шароитида диссертацияни ҳимояга тавсия этишнинг асосий талабларидан бири сифатида илмий янгилик (натижа)ларнинг амалиётга жорий қилиниши белгиланган. Шунинг учун DSc (2013 – 2019 йиллар.) ва PhD (2017 – 2019 йиллар, мазкур илмий даража 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб жорий қилинган) бўйича ҳимоя қилинган барча диссертациялар илмий янгилик (натижа)лари тегишли равишда амалиётга жорий этилган.

**Илмий янгилик (натижа)ларни амалиётга жорий этиш бўйича яна бир масала – далолатнома (маълумотнома) ҳақида.** Илмий янгилик (натижа)ни амалиётга жорий этиш бўйича далолатнома ОАКга эмас, диссертация бажарилган муассасага тақдим этилади. Амалдаги тартибга кўра, ***биринчидан***, агар илмий янгилик амалиётга жорий этилмаса, диссертацияни иш бажарилган муассасада якуний муҳокамадан ўтказиш мумкин эмас; ***иккинчидан,*** муҳокаманинг ижобий натижасига кўра диссертация иш бажарилган муассасанинг кузатув хати асосида илмий даражалар берувчи илмий кенгашга тақдим этилади. *Мисол тариқасида* келтирсак, мақола муаллифи илмий раҳбарлигида бажарилган диссертация 2017 йилда ҳимоя қилинган бўлса, унинг илмий янгиликлари диссертация ҳимоясидан бир йил олдин 2016 йилда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, 2016 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва 2016 йилда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» партияси фаолиятига жорий қилинган ва бу ҳақида тегишли маълумотномалар олинган; ***учинчидан,*** маълумотномада қайси илмий янгилик қаерга жорий этилгани ва ундан олинган ижтимоий ёки иқтисодий самара қайд этилади. Илмий натижанинг моҳияти иш бажарилган муассаса ёки муаллифнинг тегишли ташкилотга тақдим этган ҳужжатида батафсил кўрсатилади (*Изоҳ*: илмий натижа амалиётга жорий қилинган ташкилотнинг далолатномасида илмий натижанинг моҳияти тўлиқ кўрсатилиши ҳам мумкин. Мазкур ҳужжатнинг шаклига ҳеч қандай эътироз билдирилмайди).


Илмий унвон нимага керак?

Мақолада илмий натижаларни амалиётга жорий этиш юзасидан келтирилган «*ОАК ўқув даргоҳларини илмий ишланмалар жорий этиладиган масканлар қаторидан чиқариб қўйган?*» деган фикрга келсак, натижаларни амалиётга жорий қилишда таълим тизими энг асосий масканлардан бири ҳисобланади. *Масалан,* 2017–2018 йилларда PhD илмий даражасида тасдиқланган изланувчиларнинг амалиётга жорий этилган жами илмий натижаларининг 36 фоизи ижтимоий соҳага, жумладан, таълим тизимига – дарслик, ўқув қўлланма, педагогик технология ва бошқа кўринишларда жорий этилган.

Мақоладаги *«ўрта ҳисобда PhD илмий даражасини олиш учун ёш тадқиқотчи камида 6–7 йил умрини сарфламоқда. Баъзилари 10–12 йиллаб сарсон бўлиб юрибди»* деган фикрга тўхталсак, ***биринчидан,*** PhD илмий даражаси 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб амалиётга жорий этилган (*изоҳ сифатида*, бу ерда фан номзоди илмий даражаси ҳам кўзда тутилаётган бўлса керак); ***иккинчидан,*** PhD илмий даражаси бўйича 2017–2019 йилларда илмий даражалар берувчи илмий кенгашларга мурожаат қилган барча изланувчиларнинг ҳужжатлари ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, диссертациялар ҳимояси низомлар талаблари асосида амалга оширилган; ***учинчидан,*** илмий даражалар берувчи илмий кенгашларга тақдим этилган диссертациялар улар қошидаги илмий семинарларда низом талаблари асосида дастлабки муҳокамадан ўтказилиб, моҳиятан талабга жавоб бермаса, улар иш бажарилган ташкилотга қайтарилади. Ёки камчиликлар жузъий характерда бўлса, илмий кенгаш томонидан изланувчига тегишли равишда илмий-ташкилий ёрдам кўрсатилади (бу уларнинг ишига тўсиқ қўйиш эмас, балки ишни тезлаштиришга хизмат қилади); ***тўртинчидан,*** ОАК веб-сайтида эълон қилиш учун тақдим этилган ҳужжатлар низом талабларига кўра 15 кунгача кўриб чиқилиб, натижасига кўра веб-сайтга жойлаштирилади ёки меъёрий-техник камчиликлар аниқланганда илмий даражалар берувчи илмий кенгашга расмий равишда қайтарилади. Ҳимоядан кейин тақдим этилган аттестация ишлари ўз муддатида кўриб чиқилади. ***Мазкур масаланинг моҳиятини***, *яъни* 6-7 ва 10-12 йилларнинг сабабини илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар ёки ОАКдан қидириш ноўрин. *Бу борада* ***ОАК муҳтарам В.Алимасовга мурожаат қилади:*** Устоз, шундай изланувчилар Сизга маълум бўлса, келинг, уларга Сиз, илмий раҳбарлар, кафедралар, лабораториялар, диссертация бажарилаётган ОТМ ва ИТМ билан биргаликда ваколатимиз доирасида амалий ёрдам кўрсатайлик.

Мақолада *«илмий семинар, илмий кенгаш, ОАК чиғириқларидан ўтиш тадқиқотчиларни қуллуқ қилишга ўргатади, бу чиғириқдан ўтгунгача унда бирон нима яратиш иштиёқи сўнади»* деган фикр билдирилган. Ҳурматли олимимизга яна бир бор эҳтиром келтирган ҳолда қуйидаги фикрларни маълум қиламиз:

***биринчидан,*** олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли ва икки поғонали тизимлари шароитида «чиғириқлар»га барҳам берилди, масалан, фан доктори диссертациясини ҳимоя қилган барча талабгорларни ОАКга таклиф қилиб, савол-жавоб ўтказиш амалиёти бекор қилинди; диссертацияни дастлабки муҳокамадан ўтказувчи илмий семинарлар сони 5–6 тадан 2 тага туширилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бугунги кунга қадар илмий даражаларда тасдиқланганлар ҳеч қандай чиғириқдан ўтган ва ҳеч кимга қуллуқ қилган ҳам эмас.

Мамлакатимизда таълим-фан соҳаларини ривожлантиришга берилаётган жуда катта эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар, иқтидорли ёшларимизнинг шижоатли хатти-ҳаракатлари туфайли ва жоиз бўлса, «чиғириқлар» ва «қуллуқ қилишлар» бўлмагани сабабли, масалан, қишлоқ хўжалиги соҳасида уч нафар ёш мутахассис фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олганидан кейин бир йил ичида фан доктори (DSc) илмий даражаси бўйича диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди (Баъзи фикрлар туғилишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтамиз: уларнинг ота-оналари катта лавозимда ишламайди; ҳимоя қилган ёшларимиз кафедра доцентлари ва докторант сифатида Ватанимиз тараққиёти учун илмий-педагогик фаолият билан шуғулланмоқда.);

***иккинчидан,*** диссертациялар муҳокама қилинадиган кафедралар, илмий лабораториялар, ОТМ/ИТМ илмий семинарлари ҳамда илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар, улар қошидаги илмий семинарлар, шунингдек, ОАК эксперт кенгашларида В.Алимасов сингари ўз соҳасининг етук олим-мутахассислари, ҳалол ва виждонли олимлар фаолият юритмоқда. (*Изоҳ*: фаолиятида чекинишларга йўл қўяётган шахслар ёки тузилмалар бўлса, айтинг, улар билан дарҳол тегишли ишлар амалга оширилади!);

***учинчидан,*** яратилган (яратилаётган) норматив ва амалий шарт-шароитлар самарали илмий фаолиятни рағбатлантиришга, илмий кашфиёт (янгилик) яратишга ва бундай ҳаракатларни янада ривожлантиришга йўналтирилган. *Масалан:*

а) 2013–2019 йилларда DSc ва PhD бўйича ҳимоя қилинган барча диссертацияларнинг илмий янгилик (натижа)лари тегишли равишда амалиётга жорий қилинган. Шу йилларда илмий даражаларда тасдиқланган талабгорлар диссертациясининг илмий натижалари бўйича 400 тадан ортиқ ихтирога патент олинган;

б) кашфиётлар асосида 17 нафар талабгор DSc ва 32 нафар талабгор PhD илмий даражаларда диссертация ҳимоясисиз тасдиқланди;

в) **тегишли равишда** халқаро тизимга кирган илмий журналларда илмий мақолалар чоп эттирган мутахассисга эксперимент тариқасида фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражаларини бериш қоидаси низомга киритилди.

Мақоланинг кириш қисмида келтирилган *«Яқинда бир шогирдим арз қилиб қолди. Илмий иш қилаётиб, илмий кенгаш, Олий аттестация комиссияси талабларидан юрагим безиллаб қолди. Тўрт ойдан бери семинарни кутаман...»*, деган фикр бўйича:

***биринчидан,*** тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тез-тез ва ўз ҳолича ўзгартирилмайди. ОАК фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2012 йилдан бошлаб 3 марта ўрнатилган тартибда ўзгартирилган;

***иккинчидан,*** ОТМ ва ИТМ кенгашлари томонидан диссертация мавзулари тасдиқланганидан кейин уларни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжат ОАКга фақат электрон ҳужжат айланиш тизими орқали тақдим этилади. Мавзу ОТМ ва ИТМ кенгаши томонидан тасдиқланганидан кейин изланувчи малакавий имтиҳонларни топшириши ва диссертациясини илмий даражалар берувчи илмий кенгашга тақдим этиши мумкин. Бу жараёнда мавзунинг эълон қилинишини кутиш шарт эмас;

***Плагиат (кўчирмачилик) ҳолатларини аниқлаш бўйича тўловлар ҳақида. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида 2017 йилнинг 22 ноябрдан бошлаб диссертация ва авторефератларда плагиат (кўчирмачилик) ҳолатини аниқлаш билан боғлиқ тўлов миқдорлари белгиланган.***

***учинчидан,*** мақола эълон қилинганидан кейин фалсафа фанлари бўйича илмий кенгашлар раислари устознинг шогирдлари илмий кенгашларга мурожаат қилмаганини маълум қилишди;

***тўртинчидан,*** *маълумот учун:* устоз илмий раҳбарлигида 2017 йилда талабгор диссертация ҳимоясини ўрнатилган тартибда муваффақиятли ёқлаган ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси тасдиқланган, яъни:
14.09.2017 й. – талабгорнинг ҳужжатлари ОАКга тақдим этилган;
14.09.2017 й. – маълумотлар ОАК веб-сайтида эълон қилинган;
29.09.2017 й. – илмий кенгашда диссертация ҳимоя қилинган;
09.10.2017 й. – аттестация иши ОАКга тақдим этилган;
29.11.2017 й . – ОАК Раёсати қарори билан талабгор илмий даражада тасдиқланган.

**Устоз,** Сизда яна фикр-мулоҳазалар бўлса, уларни ОАК ёки илмий даражалар берувчи илмий кенгашларда муҳокама қилишга тайёрмиз.

**ОАК матбуот хизмати**

*Жиззах вилояти*



**Юртимиз манзаралари**

## «МОҲИР ҲАЙКАЛТАРОШ» «ИЖОДИ»

**Ғаллаорол туманидаги Қоронғул қишлоғи ҳудудидаги турли жойдан турлича кўринадиган ҳайратланарли тошлар мавжуд. Баъзилари олисдан одам гавдасини эслатади: ибодат қилаётган аёл, йиғлаётган бола, қўй-қўзилар боқиб юрган чўпонни... Бу ерда, нонтош, кенг, ёйиқ супа ҳамда тухумсимон тошлар ҳам мавжуд. Халқ «келинтош» деб атайдигани эса гўёки сизга салом бераётгандек туюлади. Шунда беихтиёр «табиат – моҳир ҳайкалтарош», деган фикрлар кўнгилдан ўтади.**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, табиатнинг бу ажойиботлари неча-неча асрлар муқаддам турли вулқон отилишлари, сўнгра тоғ жинсларининг емирилиши ҳамда кучли шамол туфайли вужудга келган.

Агар қишлоқ тепасидаги дара бўйлаб кўтарилсангиз, баланд қоятошлардаги турли суратларни кўришга муваффақ бўласиз. Улар, айниқса, ёмғир ёққанида ёки қуёш тик тушганида кўзга яққол ташланади. Қоятошлардаги суратларда тоғ эчкиси, архарлар, уй ҳайвонлари, сурув ортидан келаётган чўпон каби тасвирлар акс этган. Ҳар бир тошнинг ўзига хос хусусияти бор. Улардаги ноёб дурдоналарнинг контурлари аниқ ва равшан ифодаланган. Мусаввир суратнинг ҳар бир қисми (детали)ни моҳирона бажарган. Ушбу тасвирлар ўтмишда ҳам ўлкамиз табиати бой ва хилма-хил бўлгани, чорва моллаpининг кўпайиши учун шарт-шароитлар мавжуд эканини кўрсатади.

Қисқаси, Ғаллаорол тумани Қоронғул қишлоғидаги қоятошларда акс этган йигирма бешга яқин сурат ва тасвирлар бугунги ёш авлод учун очиқ осмон остидаги музей, саёҳатчилар учун эса ноёб топилма вазифасини ўтайди.

**Муножат РАВШАНОВА,**
Ғаллаорол туманидаги 45-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Баҳоси келишилган нархда.**

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Х Норбоев
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **01:40**
Топширилди – **02:50**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г – 817.**
**28020** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5